

КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Абдуназаров Шохрух Ақром ўғли,

ТМИ катта ўқитувчиси, PhD,

E-mail: shohrux_0507@mail.ru

ORCID: 0000-0002-1767-3709

SOME THEORETICAL BASES OF LENDING TO INDIVIDUALS IN CREDIT INSTITUTIONS

Abdunazarov Shokhrukh Akrom o'gli,

Senior lecturer of TMI, Ph.D,

E-mail: shohrux_0507@mail.ru

ORCID: 0000-0002-1767-3709

JEL Classification: G2, G21

Аннотация. Мақолада кредит ташкилотларининг ташкил топшиши, фаолияти ҳамда уларнинг кредитлаш тартиби назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган. Хусусан, мақолада мавзуга доир хорижлик ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари, илмий асарлари ҳамда иқтисодий адабиётлари таҳлил этилган.

Мақола доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасига кўра, кредит ташкилотларининг иқтисодий моҳияти ва уларнинг фаолиятини ташкил этиши билан боғлиқ масалалар тизимли равишда яхлит тадқиқот объекти сифатида иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан етарли даражада ўрганилмаган. Балки, кредит ташкилотлари алоҳида тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари тарзида ўрганишга эътибор қаратилаётган, шу боис кредит ташкилотлари фаолиятини назарий ва илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниши эътибордан четда қолмоқда. Шу жиҳатдан ҳам мақолада кредит ташкилотларини назарий жиҳатларига асосий эътибор қаратилган ҳолда кредитлаш жараёнининг замонавий

усуллари қиёсий ўрганилди.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар давомида кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни кредитлашда асосан ноанаънавий кредит турларидан кенг фойдаланилаётганлиги, айниқса рақамли молиявий хизматлар турлари ортиб бораётганлиги маълум бўлди.

Мақолада мавзу доирасида амалга оширилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасига таянган ҳолда кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлашни самарадорлигини ошириш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишга оид илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга мақолада, кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган кредит турлари, шартлари ва иқтисодий аҳамияти атрофлича ёритиб берилган. Асосий эътибор кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга таклиф этаётган кредит турлари ва уларнинг сифатини оширишининг назарий жиҳатларини ўзига хослиги баён этилган ҳамда келгусида мазкур ишларни янада ривожлантириши

йўллари аниқлаб берилган.

Abstract. *The article examines the organization, activity of credit organizations and their crediting procedure from a theoretical and practical point of view. In particular, the article analyzes the researches, scientific works and economic literature of foreign and local scientists on the topic.*

According to the results of the research carried out within the article, the issues related to the economic nature of credit organizations and the organization of their activities have not been sufficiently studied by economists and specialists as a systematically integrated research object. Perhaps, attention is paid to the study of credit organizations in the manner of individual commercial banks and non-bank credit organizations, therefore, the theoretical and scientific research of credit organizations is neglected. In this regard, the article comparatively studied the modern methods of the crediting process, focusing on the theoretical aspects of credit organizations.

In the course of researches and studies, it became known that credit organizations mainly use non-traditional types of loans in lending to individuals, especially digital financial services are increasing.

In the article, based on the results of the studies and analyzes carried out within the topic, scientific proposals and practical recommendations were developed to improve the effectiveness of credit organizations in lending to individuals and to eliminate existing problems.

At the same time, the article describes in detail the types, conditions and economic importance of loans offered by credit organizations. The main focus is on the specifics of the types of loans offered by

credit organizations to individuals and the theoretical aspects of their quality improvement, and ways to further develop these activities in the future are defined.

Калим сўзлар: *кредит ташкилоти, банк, кредит, овердрафт, истеъмол кредити, ссуда капитали, микрокредит.*

Key words: *credit organization, bank, credit, overdraft, consumer credit, loan capital, microcredit.*

Кириш. Кредит ташкилотлари иқтисодиётдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали ссуда капиталини шакллантиради. Ссуда капитали бозор иқтисодиёти шароитида реал секторни, хусусан жисмоний шахсларни қўшимча молиявий ресурсларга бўлган талабини кредит воситасида қондириш учун йўналтирилади. Бу жараёнда кредит ташкилотлари мамлакатда муҳим молиявий бўғин ҳисобланади.

Ўзбекистонда жисмоний шахслар ва хусусий тадбиркорларни қўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини таъминлашда кредит ташкилотларини кредит беришни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўламли молиявий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали

инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш"[1] каби долзарб вазифалар белгилаб қўйилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш, ҳозирги шароитда макон ва замонни ҳисобга олган ҳолда "кредит", "кредит операциялари", "кредит хизматлари", "кредит маҳсулотлари" "кредит ташкилотлари" ва "кредитлаш жараёни" каби иқтисодий моҳиятини қиёсий ўрганиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш долзарб ҳисобланади.

Материал ва метод. Замонавий шароитда кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш жараёни билан иқтисодий терменлар қиёсий ўрганилди, кредитлаш жараёнини тартибга солишнинг усуллари ва ўзига хос жиҳатлари иқтисодий таҳлил қилинди. Шунингдек, мақолада таққослаш, илмий-назарий қиёслаш, кузатиш, иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантикий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Натижалар. Бозор иқтисодиёти шароитида "кредит ташкилотлари" ва "кредитлаш жараёни" муҳим иқтисодий терменлар ҳисобланиб, мазкур иқтисодий терменлар асосида ўзининг амалий фаолиятини йўлга қўйган молия муассасалари мамлакатнинг муҳим молиявий бўғини ҳисобланади. Шу боис мақолада "кредит ташкилотлари", "кредит" ва "кредитлаш жараёни"

иқтисодий терменларнинг этимологияси ва иқтисодий мазмунини назарий жиҳатдан қиёсий ўрганиш ўта муҳим ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий ишланмаларда, илмий нашрларда, норматив ҳужжатларда, оммавий ахборот воситаларида "кредит", "банк томонидан кредит бериш", "банк томонидан кредит бериш тизими", "кредит операциялари", "кредит хизматлари", "кредит маҳсулотлари" каби терминлар тез-тез тилга олинсада ҳозирги кунга қадар уларнинг иқтисодий моҳияти тўлиқ ўрганилмаган [2].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида кредит ташкилотларига нисбатан иқтисодий таъриф ёки тушунтиришлар берилмаган, фақатгина "Марказий банк тўғрисида"ги қонуннинг 62-моддасида Марказий банк томонидан кредит ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишлари белгилаб қўйилган[3].

Россия Федерациясининг "Банклар ва бана фаолияти тўғрисида"ги қонунда кредит ташкилотлари (кредит муассасалари) – бу ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра, Россия федерацияси Марказий банкининг руҳсати, яъни лицензияси асосида тегишли фойдани кўзлаган ҳолда пул маблағларни жалб қилувчи ва уларни тегишли мақсадларга жойлаштирадиган, банк хизматларини кўрсатадиган юридик шахслардир, шунингдек кредит ташкилотлари акциядорлик жамияти кўринишида турли мулк шаклида ташкил этилиши белгилаб қўйилган[4].

Иқтисодий адабиётларда кредит ташкилотларига берилган таърифлар анчагина содда ва тушунарли тарзда берилган. Масалан А.Соколов томонидан кредит ташкилотларига қуйидагича таъриф берилган: "Кредит ташкилоти -

учинчи шахсларга кредит бериш, шунингдек, тегишли рухсатномаларга эга бўлган молиявий операцияларни амалга ошириш билан шуғулланадиган давлат ёки хусусий мулкчилик асосида ташкил этилган ташкилотдир. Кредит ташкилотларига омонат кассалари, банклар, кооперативлар, микромолия ташкилотлари ва бошқалар киради. Бундай ташкилот белгиланган тартибда лицензия олишлари талаб этилади[5]. Албатта, берилган таъриф барча мезонларга жавоб бермайди, хусусан унда кредит ташкилотларининг тижорат ташкилот эканлиги эътибордан четда қолган.

Иқтисодий адабиётларда жисмоний шахсларни кредитлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари кенг таҳлил қилинган. Хусусан, иқтисодчи олимлар кредит, кредит муносабатлари, тамойиллари каби масалаларни назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилишган. Иқтисодий луғатларда "кредит" тушунчаси латинча "creditum" – ссуда сўзидан келиб чиққанлиги таъкидланади[6].

Бироқ, иқтисодий ишланмаларда, илмий нашрларда, норматив ҳужжатларда, оммавий ахборот воситаларида "кредит", "банк томонидан кредит бериш", "банк томонидан кредит бериш тизими", "кредит операциялари", "кредит хизматлари", "кредит маҳсулотлари" каби терминлар тез-тез тилга олинсада ҳозирги кунга қадар уларнинг иқтисодий моҳияти тўлиқ ўрганилмаган[2].

Профессор Т.М.Костерина фикрига кўра: "Кредит ссуда капитали, яъни пул капитали ҳаракатланиши бўлиб, у муайян фоиз эвазига қайтариш шarti билан ссудага берилади" [7]. Албатта муайян фоиз масаласи кредит олувчининг зиммасига тушган қўшимча тўлов

ҳисобланиб, инфляция даражаси ўсиб бораётган шароитда унинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Профессор Ш.З.Абдуллаева кредитга қуйидагича таъриф беради: Кредит - бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир[8].

Luminița Cernenco, Marilena Pieleanu Lazarencolar ўз мақоласида "Жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг давомийлиги, уларни бериш ва кафолатлаш, кредиторнинг масъул идоралар томонидан рухсат берилган ички тартиб-қоидаларига биноан шартнома асосида амалга оширилади" –деб таъкидлаганлар[9].

Шу билан бирга, Jean, Ying ва Salwalарнинг фикрига кўра, бозор тамойиллари амал қилган шароитда банклар кредитни юқори фоизга олишга рози бўлганларга кредит бериш хавфли деб ҳисоблайди, чунки қарз олувчи юқори фоизда бўлса ҳам кредит олишга рози бўлиши баробарида олинган кредитни қайтариш рискинни ошишига сабаб бўлади[10]. Ҳақиқатда ҳам бу фикр ўзининг реал секторда амалий тасдиғини топмоқда, чунки банклар берган кредитларини қайтариш жараёни жуда кўп вақтни олади ва қўшимча харажатларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Orazio Attanasio, Britta Augsburg, Ralph De Haas, Emla Fitzsimons, Heike Harmgartлар ўзларининг изланишларида "Жисмоний шахсларга кредитларни берилиши қишлоқ жойларда оилавий бизнесни очиш эҳтимоли юқорилиги ҳақида далиллар олган. Бундан ташқари, улар томонидан кредит олган

қишлоқдаги олий маълумотли бўлмаган аёллар ўртасида истеъмолни оширганлигига гувоҳ бўлганлар" [11]. Бироқ, олимлар жисмоний шахсларни кредитлашда масаланинг иккинчи жиҳати, яъни уларнинг ҳақиқатда ишлаши ва берилаётган кредитнинг таъминоти масаласини эътибордан четда қолдирган.

PhD. Ф. Холмаматов ўзининг илмий тадқиқотида эса "Жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётида мавжуд муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида уларнинг ойлик даромадларидан истеъмол харажатларни чиқариб ташлагандан сўнг қолган кўшимча даромадлари асосида кредитни қайтариш жадвалини ишлаб чиқиш ва шу график доирасида кредитлаш зарурлигини"- асослаб берган[2].

Бизнинг назаримизда, бундай ҳолатда ҳам жисмоний шахсга берилга кредит бўйича тўловсизлик rischi сақланиб қолади ва банк бу масалани эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Масалан, 2020 йилда юз берган пандемия (COVID-19), ходимнинг ўз иш жойини йўқотиши, яъни ишдан бўшаши, истеъмол товарлар нархининг ошиб кетиши каби ҳолатлар бунга мисол бўлади. Бундан ташқари валюта курсининг ошиши натижасида 2021 йилда Туркияда Марказий банк базавий ставкасини пасайтириши оқибатида лиранинг қадрини тушиб кетиб, шу йили декабрь ойида бир АҚШ доллари 13 лирадан 18 лирага кўтарилишида ҳам кўриш мумкин[12].

Мунозара. Юқорида таъкидлаганимиздек, иқтисодий жиҳатдан "кредит" сўзи латинча "credium" – ссуда сўзидан вужудга келган бўлиб, асосан қиймат кўринишида банклар томонидан таклиф этилади. Шу

жиҳатдан, "кредит" ссуда капитали натижасида вужудга келадиган ва қатор тамойиллар асосида унга эҳтиёжи бўлган субъектларга бериладиган қийматдир. Демак, "ссуда капитали" пул шаклидаги кредит муносабатларини акс эттиради, "ссуда капитали" ҳаракати натижасида кредит кўринишини олади. "Ссуда капитали" ҳаракатсиз ҳолатда бўлганда тижорат кредити сифатида намоён бўла олмайди ва бу иқтисодий терменни унга нисбатан қўллаш мумкин эмас. Бундан ташқари, у кредитнинг муҳим принциплари ҳисобланган – қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадлилиқни ўзида акс эттирмайди.

Фикримизча, кредитнинг иқтисодий моҳияти, амал қилиши ва унинг шакллари иқтисодиётни тартибга солишнинг барча босқичларида иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан етарли равишда ўрганилган, бироқ унинг шакллари ва амал қилишининг турлича талқин қилинишига асосий сабаб иқтисодий жарённи ташкил қилиш моделига боғлиқ. Масалан, иқтисодиётни марказдан бошқариш шароитида жисмоний шахслар томонидан кредит олишга бўлган талаб юқори бўлмаган, шунингдек назарий жиҳатдан кредит иқтисодий категория сифатида қаралмаган, чунки жисмоний шахсларнинг уй-жой ва автомобилларга бўлган эҳтиёжлари тегишли режалар асосида давлат сиёсати даражасида ҳал қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу жараёнда, яъни аҳолининг уй-жой ва автомобилга бўлган эҳтиёжлари уларнинг ўзлари томонидан ҳал этилади. Бу жараён албатта, иқтисодчи олимларнинг кредитни иқтисодий моҳияти, турлари ва ҳатто тамойилларида ҳам ўзининг ифодасини

топади. Натижада, кредитнинг назарий ва амалий жиҳатлари талқин қилинганда турлича ёндошувлар пайдо бўлган, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодчи олимлар ва мутахассислар кредит муносабатларини ёритишига макон ва замоннинг таъсир бўлади.

Тижорат банклари юридик ва жисмоний шахсларга таклиф этадиган кредит турлари, шартлари ва суммалари ҳақида кредит сиёсатида батафсил берилади. Тижорат банклари ҳозирги пайтда объекти ва фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб, жисмоний шахсларга кредитларнинг қуйидаги турларини таклиф этмоқда.

1. Овердрафт.
2. Истеъмол кредити (товар ва хизматлар учун)
3. Авто кредит.
4. Ипотека кредити.
5. Микрокредит (тадбиркорлик учун).

Давлатнинг ижтимоий сиёсати орқали жисмоний шахсларга берилаётган кредитларни олиш ва фойдаланиш жараёнлари босқичма-босқич соддалаштирилмоқда. Айниқса, иқтисодий ночор ва молиявий маблағларга муҳтож бўлган оилаларнинг ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, ҳудудларда фойдаланилмаётган биноларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни, аҳоли томорқалари ва бўш экин майдонлардан самарали самарали фойдаланиб кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларни имтиёзли шартларда молиялаштириш тизими жорий этилган.

Қуйидаги жадвалда жисмоний шахсларга берилаётган кредитларни шартлари хусусида маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

Жисмоний шахсларга ажратиладиган кредит турлари бўйича кредитлаш шартларини белгилаш¹

№	Кредит турлари	Мақсади	Муддати	Кредит валютаси
1.	Овердрафт	мақсадсиз	1 йилгача	сўмда
2.	Истеъмол кредити.	товар ва хизматлар учун	3 йилгача	сўмда
3.	Авто кредит	автомобил сотиб олиш учун	5 йилгача	сўмда
4.	Ипотека кредити.	уй-жой сотиб олиш учун	15 йилгач	сўмда

¹ Иқтисодий адабиётлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тадқиқ қилиш ҳамда ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилган.

5.	Микрокредит (тадбиркорлик учун).	тадбиркорлик учун	5 йилгача	сўмда
----	----------------------------------	-------------------	-----------	-------

Истеъмол кредити аҳолининг харид қобилиятини ошишига олиб келади, бозорда талабни оширади. Бу ўз навбатида, товар ишлаб чиқараётган ва хизмат кўрсатган корхоналарнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Истеъмол кредити жисмоний шахсга (истеъмолчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитдир. Истеъмол кредитининг шакллари:

- молиявий истеъмол кредити
- товар истеъмол кредити

Молиявий истеъмол кредити сотиб олинган товарлар (хизматлар) ҳақини тўлаш учун пул маблағлари тарзида истеъмолчига бериладиган кредитдир. Банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари молиявий истеъмол кредити берувчи ташкилотлардир.

Истеъмол кредити сотиб олинган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш тарзида истеъмолчига

бериладиган кредитдир. Истеъмол товарларини (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки реализация қилувчи ташкилотлар товар истеъмол кредити берувчи ташкилотлардир.

Жисмоний шахснинг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар) истеъмол кредити объекти бўлиши мумкин.

Кредит муассасалари томонидан жисмоний шахсларни кредитлашнинг турли шакллари қўлланилади, улар албатта назарий ва амалий жиҳатдан бири-бирига боғлиқ ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Тадқиқот доирасида соҳага оид қатор иқтисодий адабиётларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш натижасида жисмоний шахсларга бериладиган кредитларни таснифи келтирилган.

2-жадвал

Жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг таснифи²

Таснифлаш белгилари	Кредитни олувчилар ва тақдим этиш шартлари
Кредит бериш тартибини белгилаш	Банк томонидан ишлаб чиқилган ва кенгашда тасдиқланган тартиб
Кредит олувчилар	Аҳолининг барча қатламлари, асосан 18

² Иқтисодий адабиётлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тадқиқ қилиш ҳамда ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилган.

	ёшдан ошган ва нафақа ёшига етмаган, меҳнатга лаёқатли ва доимий иш ўрнига эга бўлган шахслар.
Мақсадга йўналтирилганлиги	Мақсадли, мақсадсиз
Кредит муддати	-қисқа муддатли; -ўрта муддатли; -узоқ муддатли.
Таъминот	-таъминланмаган; -таъминланган.
Таъминот турлари	-гаров (кўчар ва кўчмас мол-мулк); -учинчи шахс кафиллиги; -суғурта полиси.
Тўлов усули	Бўлиб-бўлиб тўлаш; бир вақтнинг ўзида тўлаш.
Фоизларни ҳисоблаш	-ҳозирги вақтда тўлаш; -кредит берилган вақтда тўлаш; -кредитнинг бутун муддати давомида тенг қисмларда тўлаш
Тақдим этиш тартиби	-нақд пулсиз; -нақд пулли.
Кредит риси	-паст хавфли; -ўртача хавфли; -юқори хавфли.

2-жадвалдан кўриш мумкинки, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар турли мезонлар асосида тавсифланади ва кредит олувчиларга тақдим этилади. Хусусан, кредит ташкилотлари жисмоний шахсларга берилган кредитлар бўйича тегишли тартибларни ўзлари ишлаб чиқади ва уни банк кенгашида тасдиқлагандан сўнг амалиётга татбиқ этади. Жисмоний шахсларга кредит бериш бўйича ишлаб чиқилган тартибнинг асосини банкларнинг кредит сиёсати ташкил этилади.

Бизнинг назаримизда, жисмоний шахсларга кредитлар бериш тартибларни мустақил ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши жуда муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, кредит ташкилотлари томонидан он-лайн кредитларни таклифи

бўйича оферталар ҳам шулар жумласидан бўлиб, банклар ва муқобил тўлов операторлари бу тартибларни электрон тарзда тасдиқланишини ҳам ташкил этмоқда.

Хулоса. Кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

-кредит ташкилотлари иқтисодиётдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида жалб қилиб ссуда капиталини шакллантиради ва ушбу ссуда капиталини тегишли шартлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этади, кредит ташкилотларининг илмий-назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини замон ва маконда рўй

бераётган ижтимоий-иқтисодий талаблар доирасида такомиллаштириб бориш зарур;

-кредит ташкилотлари хусусида хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари турлича бўлиб, бунга қатор объектив ва субъектив омилларнинг таъсири мавжуддир;

-кредит ташкилотлари жисмоний шахсларга тақдим этадиган ноанаънавий молиявий хизматларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, кредит ташкилотларининг факторинг ва траст хизматлари шулар жумласидан бўлиб, ушбу операцияларни жорий қилиниши

аҳолининг ва хусусий тадбиркорларнинг молия хизматларига бўлган талабини кондиришга ижобий таъсир кўрсатади;

Умуман олганда, кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлашнинг илмий-назарий асослари мулоҳазали жараён бўлиб бу жараённи мамлакат аҳолиси ва миллий иқтисодиётни ривожланишига хизмат қилишига йўналтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.

2.Холмаматов Ф.К. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. Тошкент: 2019. “ИQTISOD-MOLIYA”, 2019. 11 б.

3.Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 62-моддаси. Тошкент, 2019.

4.Кредитная организация. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

5.Кредитная организация: что это, какие бывают, разница с банком. А.Соколов <https://mokka.ru/blog/chto-takoe-kreditnaya-organizatsiya/>

6.Совет энциклопедия луғати / Бош муҳаррир А.М. Прохоров. -М., 1984

7.Общая теория денег и кредита: Учебник для вузов / Под ред. Е.Ф.Жукова. -2-е изд. перераб. и доп. -М., 1999. -С.24.

8.Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Тошкент.: “Иқтисод-молия”, 2007. -171 б.

9.Luminița Cernenco, Marilena Pieleanu Lazarencu Some hints on individual lending and different factors affecting the credit activity risks Annals of Spiru Haret University Economic Series ISSN 2393-1795 issue 4/2016

10.Jean-Pierre Fenech, Ying Kai Yap, Salwa Shafik. (2014). Can the Chinese banking system continue to grow without sacrificing loan quality? Journal of International Financial



Markets, Institutions & Money. 31 (315-330) file:///C:/Users/admin/Downloads/1-s2.0-S1042443114000353-main.pdf

11. Orazio Attanasio, Britta Augsburg, Ralph De Haas, Emla Fitzsimons, Heike Harngart
Group lending or individual lending? Evidence from a randomized field experiment in Mongolia.
MPRA Paper No. 35439, posted 16 Dec 2011 23:37 UTC.

12. <https://www.calc.ru/kurs-USD-TRY.html>